O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2010 йил 6 июль, № 133 (5048) Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## Қирғизистон Республикаси жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида жабр чекканларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишда алоҳида хизмат қилган Андижон вилояти фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

*Халқимизга хос юксак гуманизм, бағрикенглик ва меҳр-мурувват фазилатларини амалда яна бир бор намоён этиб, кўмакка муҳтож бўлган инсонларга ҳар томонлама беғараз ёрдам кўрсатишда ўзини аямасдан хизмат қилган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қуйидагилар мукофотлансин:*

**«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан**

**Зайдинова Гулсорахон Шералиевна** — Андижон шаҳридаги 4-сон маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Тожиматова Ходяхон Турсиновна** — Жалолқудуқ туманидаги "Бештол" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Абдуллаева Феруза Ғанижановна** — Қўрғонтепа тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Абдураҳмонова Роила** — Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Андижон вилояти, Пахтаобод тумани бўлинмаси раиси

**Нуралиев Бахромжон Гуломжонович** — Жалолқудуқ тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси

**Тўйчиева Матлубахон Камолдиновна** — Бўз тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Эргашев Авазхон Яқубжонович** — Қўрғонтепа тумани ҳокими

**Юсупов Машариф** — Андижон вилоят ҳокимлигининг ахборот-таҳлил гуруҳи бош мутахассиси

**«Дўстлик» ордени билан**

**Вахобжонова Ойдин Вахобовна** — Республика Маънавият тарғибот марказининг Андижон вилояти бўлими масъул котиби

**Кимсанова Замирахон** — Пахтаобод тумани "Давр садоси" газетаси бош муҳаррири

**Қурбонова Аропатхон Тошпўлатовна** — Марҳамат туманидаги Т. Мирзаев номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Раҳматова Фируза Ҳасанбоевна** — Асака шаҳридаги "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Сиддиқова Фотима Абдумуталибовна** — Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қўрғонтепа тумани кенгаши раиси

**Ҳусанова Мунисхон Акбаралиевна** — Жалолқудуқ тумани ҳокимлиги оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси

**Шаропов Анвар Қурбонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эргашева Муяссар Тиллаковна** — Қўрғонтепа туманидаги "Қўштепа" қишлоқ врачлик пункти мудири

**Якубова Нигора Камалдиновна** — Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси

**«Жасорат» медали билан**

**Ботиров Иқболжон Қобилжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Жалилова Маъмура Абдурасуловна** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси катта тезкор вакили

**Насирдинов Талят Пўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Пирмуҳамедов Жаҳонгир Рихсибоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Расулов Қобулжон Толибович** — Пахтаобод тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Талипов Баҳодир Абдурасулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Умирзақов Хуршидбек Ҳамидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эралиев Бобиржон Толибжонович** — Андижон вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасининг авария-қутқарув отряди ҳайдовчи-қутқарувчиси

**Йўлдошев Ҳусанбой Қосимович** — Жалолқудуқ туманидаги "Қашқар" маҳалла фуқаролар йиғини посбонлари сардори

**«Содиқ хизматлари учун» медали билан**

**Кетмонов Иқболиддин Ҳомиджонович** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси ахборот-таҳлил гуруҳи катта терговчиси

**Мамадалиева Муқаддасхон Тожиддиновна** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси катта инспектори

**Маткаримова Гулбаҳор Собиржоновна** — Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлими 4-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми кичик инспектори

**Назаров Аҳмаджон Насирдинович** — Андижон вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув отряди қутқарувчиси

**Ташматов Баҳодир Абдурашитович** — Жалолқудуқ туманидаги "Ёрқишлоқ" маҳалла фуқаролар йиғини чегара посбонлари сардори

**Тошматова Иқболхон Абдуллаевна** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси тезкор вакили

**Фаттаев Жаъфар Раҳманович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳаитмуратов Олимбек Тошпўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳайдаров Акмалжон Одилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳайдаров Ҳусан Нишонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шоодилов Фарҳод Шорустамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**«Шуҳрат» медали билан**

**Абдуллаев Фароҳиддин Абдуваҳобович** — Қорасув шаҳар марказий поликлиникасининг умумий амалиёт шифокори

**Абдураҳмонов Шуҳратбек Қўшоқбоевич** — Пахтаобод тумани ҳокими

**Аманова Зулхумор Алижоновна** — Қорасув шаҳридаги "Пахтачи" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Бегимкулова Маҳабатхон** — Асака туманидаги "Маркаюз" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Болтабоева Илтифотхон Ибрагимовна** — Андижон шаҳридаги "Исломобод" маҳалла фуқаролар йиғини фаоли

**Гафарова Қундузхон Гафаровна** — Хўжаобод туманидаги "Олтин водий" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

**Жумабаев Акмалжон Адилович** — Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Андижон вилояти бўлими кенгаши "Камалак" болалар ташкилоти раиси

**Ибрагимова Одина Йўлдошбаевна** — Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Андижон вилояти бўлими бош мутахассиси

**Мадраҳимова Ёқут Холмирзаевна** — Асака шаҳридаги "Шодлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Мамажонов Мансурбек Аҳмедович** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон филиали тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси

**Нуритдинова Гулнора Насретдиновна** — "Андижонтелеком" акциядорлик жамиятининг Куйганёр филиали директори

**Усмонохунова Розихон Юсуповна** — Қўрғонтепа тумани халқ таълими бўлими мудири

**Ҳайдарова Шоҳидахон Ибрагимовна** — Шаҳрихон туманидаги "Қушкўноқ" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Холбоева Ҳафизахон Маҳамаджоновна** — Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Пахтаобод тумани кенгаши раиси

**Йўлдошева Замира Арабовна** — Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Олтинкўл тумани бўлими раиси

**Юсупов Нодирбек Комилович** — Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Андижон шаҳар кенгаши раиси

**Қодирова Нурхон Мамарайимовна** — Марҳамат туманидаги "Бўрибоши" қишлоқ врачлик пунктининг катта ҳамшираси

**Қурбонов Элмурод Рустамович** — Андижон шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 5 июль

# САНОАТ РИВОЖИ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

***Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқларини изчил ривожлантириш, хусусан, саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда.***

**Модернизация**

Мана шундай улкан имкониятлар туфайли республикамизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга юксалиб, корхоналаримизнинг экспорт салоҳияти тобора ортиб бормоқда.

Бунга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Кўзга кўринган сиёсатчи ва экспертлар томонидан алоҳида эътироф этилаётганидек, бундай ижобий натижалар Президентимиз томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган "Ўзбек модели"ни амалга оширишнинг ҳаётий ифодаларидир.

Бугун юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, янги ишлаб чиқариш объектларининг фойдаланишга топширилаётгани, унда аҳоли учун муқим иш жойлари ташкил этилиб, пировардида ижтимоий ҳимоя масаласи ижобий ҳал қилинаётганининг гувоҳи бўласиз. Фарғона шаҳрида иш бошлаган "SABO poyabzal"

(Давоми 2-бетда).



**СУРАТДА:** ишчилар Б. Усмонов, Н Мақсудов ва И. Абдуллаев маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

# ДАРЁ ТЎЛИБ СУВ КЕЛДИ...

(Амударё соҳили манзаралари)

Бундай кўнгилли воқеа кейинги ўттиз йил ичида иккинчи маротаба рўй бериши. Ёдимда, 2002 йил эди, ёғингарчилик мўл бўлган. Илгари Қорақалпоғистон билан Хоразмда кетма-кет икки йил қурғоқчилик ҳукм сургани учун замин қақшаб кетган эди. Бир йил қурғоқчилик бўлса, ернинг етти йиллик сўлини олади. Экин-тикин шунга яраша бўлади. Ўша йили 2 май куни давлатимиз раҳбари шимолий ўлкага ташриф буюрди. У киши далалардаги ишлар билан танишиб, одамларнинг кўнглини кўтаргач, Нукусга келди. Хўжайли — Нукус йўлида Амударё узра барпо этилган муаззам кўприкни бориб кўрди, янги иншоот одамларнинг узоғини яқин қилиб қолмай, қанча йўл ва ёнилғи тежалишига замин яратишини, шу билан бирга, мумтоз меъмо-

**Шукрона**

рий обида эканини алоҳида таъкидлади. Худди шу асно қақраб ётган ўзан бўйлаб бир дарё сув қуйилиб кела бошлади. Ўшанда бу ҳол одамларни ҳайратга солган, ҳали-бери: "Президентимизнинг қадами етиб, дарёмизда сув оққан", деб эслаб юришади. Зора, яхшининг шарофатидан Орол баҳраманд бўлса, деб эзгу ният қилишади.

Орадан етти йил ўтди...

Ҳар бир элнинг-элатнинг ўз удуми, яшаш тарзи ва ўз юкунар жойлари бўлади. У азиз-авлиёлар хоки покини зиёрат қилиб, ўтганларни эсга олади, ўзида куч йиғиб, яхши ишларга ошиқади. Дил обод бўлса, дунё обод бўлади. Шу ниятда бир ой муқаддам уй ичи билан ҳазрат Султон Увайс мақбараси зиёратига бордик. Ниёзманд жуда кўп экан. Буни кўриб, невараларни ҳам олиб келганимга хурсанд бўлдим. Нимага десангиз, улар удумларимизни, қадриятларимизни, обидаларимизни, бир сўз билан айтганда, тарихимизни билиши керак. Бу — тарбия мактаби. Шу хаёл билан уларни Чилпиқ қалъасига бошладим. Тарихий бу қалъа ҳозир обод этилган. Сайёҳлар келиб, уни сайр этади, ўтган аждодлар қандай яшаганидан огоҳ бўлишади. Она заминнинг ҳар бир тоғу тоши қадим тарихдан сўз очади. Яна бу ерда истироҳат учун шароит яратилган. Биз қалъа зиёратидан сўнг Амударё соҳилига тушиб бордик. Муаззам дарё ўзанига сиғмай оқаётганини кўриб, рости, менинг ақлим шошди. Яқин орада уни шундай тўлин ҳолда биринчи кўришим...



(Давоми 2-бетда).

**Интилиш**

***Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, хотин-қизларни меҳнатга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

# ЯНГИ ЎҚУВ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Шу мақсадда ҳар йили кўплаб корхоналар ташкил этилиб, юзлаб янги иш жойлари яратилаяпти. Эътиборлиси, уларга касб сирларини пухта ўрганган, замонавий технологияларни бошқаришни ўзлаштирган ёшлар жалб этилмоқда.

Табиийки, бу жараёнда турли ўқув марказларининг хизмати катта бўлаяпти. Пойтахтимизда хотин-қизларни бичиш-тикишга ўргатиш бўйича янги ўқув марказининг тантанали очилиш маросимида шу ҳақда сўз юритилди.

Мазкур марказ "Банд бўлмаган аёлларни бичиш-тикишга ўқитиш" лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўмагида "Bernina-tikuvmash" очиқ акциядорлик жамияти томонидан Германия техник ҳамкорлик жамияти (GTZ) ва Швейцариянинг "Bernina International AG" компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, "Bernina-tikuvmash" ОАЖ 2009 йилдан буён мамлакатимизда тикувчиликни ривожлантириш, замонавий тикув машиналари ва бошқа зарур ускуналарни олиб келиш, шунингдек, чеварликка ўқитиш билан шуғулланиб келмоқда. Бунинг натижасида шу даврда ўнлаб хотин-қизлар тикувчилик сир-асрорларини ўрганиб, оилавий бизнесни йўлга қўйишга, янги иш жойлари очишга муваффақ бўлдилар.

(Давоми 2-бетда).

# НАРКОТИКЛАР ИСТЕЪМОЛИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

***Тошкентда Марказий Осиёда наркотиклар тарқалишининг олдини олиш бўйича Европа иттифоқи томонидан молиялаштириладиган "ҚАДАП" дастурининг янги босқичи бошланди.***

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистондан наркомания ни назорат қилиш, унинг олдини олиш ва даволаш бўйича давлат органлари вакиллари, Европа Иттифоқи делегацияси, Германия Федератив Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги вакили, шунингдек, Европа консорциумининг "ҚАДАП" дастурини амалга ошириш учун масъул иштирокчилари дастурнинг янги уч йиллик босқичини расман эълон қилдилар.

Дастур наркотикларни истеъмол қилишни, наркотиклар билан боғлиқ зарарни (масалан, ОИВ-инфекциясини), миллий соғлиқни сақлаш тизимлари сарф-харажатларини камайтиришга қаратилган.

"ҚАДАП" уч таркибий қисм — ДАМОС — мамлакатда наркотиклар билан боғлиқ вазият ҳақида хабардорликни ошириш, ТРИТ — наркоманияни даволашнинг замонавий тизимларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш ва МЕДИССА — наркотиклар истеъмолининг олдини олиш, хабардорликни ва даволаниш имкониятларини оширишдан иборат. "ҚАДАП"нинг асосий мақсади наркотикларга қарши курашда Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро тузилмаларнинг самарали фаолиятини жадаллаштириш, Марказий Осиёнинг бешта мамлакатида наркотиклар билан боғлиқ муаммоларни камайтиришга ҳисса қўшишдан иборатдир. Дастур Германиянинг Техник ҳамкорлик жамияти бошқарадиган Чехия Республикаси, Германия ва Польша муассасаларининг Европа консорциуми томонидан амалга оширилади.

"ҚАДАП" дастури раҳбари Инго Илья Михельс дастурнинг янги, бешинчи босқичи 2010-2013 йилларга мўлжалланган бўлиб, асосан, аҳоли соғлиғини сақлаш муаммоларини ҳал этишга йўналтирилишини таъкидлади. Шу сабабли наркотикларни истеъмол қилишнинг олдини олиш ва наркоманияни даволаш соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ёрдам кўрсатиш, шунингдек, наркотиклар, хусусан, героин савдосининг тобора ўсиб бораётган хавфига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

(Давоми 2-бетда).

**Бир рақам шарҳи**

*Жорий йилнинг дастлабки чорагида "Ангрен логистика маркази" ёпиқ акциядорлик жамиятида* **707,5** минг тонна юк ташилди.

## ЛОГИСТИКА ХИЗМАТИ КЕНГАЙМОҚДА

*Янги ташкил этилган мазкур марказда транспорт-экспедиция, юк тушириш ва юкларни сақлаш хизматлари кўрсатиш бўйича барча шарт-шароитлар яратилгани туфайли логистика хизмати кўлами тобора кенгайиб бормоқда.*

Парламент ҳаёти

***Маълумки, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида парламент палаталарининг ўтган беш йиллиқдаги фаолиятида эришилган натижалари ҳамда бой берилган имкониятларини чуқур ва асосли таҳлил этиб, қонун ижодкорлиги ва депутатлик масъулияти нуқтаи назаридан халқ ишончини оқлаш, юртимиз тинчлиги, ватанимиз тараққиёти учун амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифаларни белгилаб берган эди. Ва шу асосда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларнинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари бўйича ўз дастурини ишлаб чиқди.***

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ МАСЪУЛИЯТИ

Айтиш жоизки, ушбу Дастурнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг устувор йўналишларини комплекс равишда қонунчилик йўли билан таъминлаш, палатанинг назорат-таҳлил фаолиятини, депутатларнинг сайловчилар билан самарали ишлашини ташкил этишдан иборатдир. Дастурда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятининг энг муҳим йўналишлари ўз ифодасини топган. Унга кўра, 2010 йил мобайнида 39 та қонун лойиҳасини, шу жумладан, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш масалалари бўйича 20 та, ижтимоий-сиёсий соҳа ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш йўналишида 12 та, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза килиш соҳасида 3 та ва бошқа қонун лойиҳаларини қабул қилиш мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга, марказда ва жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органларининг қабул қилинган қонунларни ижро этиш бўйича парламент, депутатлик назоратини қатъий амалга оширишлари юзасидан ҳам аниқ режалар ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжатнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унга фақат 2010 йил учун ҳуқуқни қўлланиш амалиётини ўрганиш ва такомиллаштиришга қаратилган 40 дан зиёд турли тадбирлар, жумладан, 10 та парламент эшитувини ўтказиш, 4 та парламент сўровини киритиш, парламент қуйи палатаси қўмиталарининг 22 та назорат-таҳлил тадбирларини амалга ошириш киритилган.

Очиғини айтганда, мазкур Дастур ижроси парламент, депутатларнинг, шунингдек, сиёсий партиялар фракцияларининг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишдаги ҳамда Ўзбекистоннинг «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини рўёбга чиқаришдаги ролини янада оширишни таъминлашга хизмат қилади.

Қонунларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши кўп жиҳатдан уларнинг мукаммаллигига боғлиқ. Бунга эса депутатларнинг ўз сайлов округларидаги учрашувларини мазмунли, қизғин баҳс-мунозаралар асосида ўтказишлари натижасида эришиш мумкин. Чунки қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда сайловчилар фикр-мулоҳазаларини тинглаш муҳим аҳамиятга эга. Яқинда "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ўзлари сайланган округлар бўйича сайловчилар билан учрашди. Унда юқорида таъкидлаб ўтилган масалага алоҳида эътибор қаратишди. Жумладан, 15-Хўжаобод сайлов округи бўйича Хўжаобод, Булоқбоши, Жалақудуқ туманларида ўтказилган учрашувларда сайловчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари, қабул қилинаётган ҳар бир қонун, Президент фармонлари ва қарорларининг мазмун-моҳияти, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

Шу билан бирга, сайлов округи бўйича туманларда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижросини ўрганиш юзасидан тайёрланган саволнома асосида назорат-таҳлил ишлари ҳам ўтказилди. Маҳаллаларда ушбу қонунларнинг ижроси, ҳукумат, вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг ўрганилаётган масалаларга тааллуқли ҳужжатларининг амалиётга татбиқ этилиши кўриб чиқилиб, муаммолар ўрганилди. Камчиликларни бартараф этиш бўйича фикр алмашиниб, мутахассислар ва аҳолининг бу борадаги таклиф ҳамда тавсиялари эшитилди, тегишли хулосалар тайёрланди.

Умуман айтганда, бу галги учрашувлар аҳолининг юксак ижтимоий-сиёсий маданияти тобора ўсиб бораётгани, улар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётган сиёсатимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини яна бир карра намоён этди. Бу эса фуқароларнинг юртимиз тараққиётига, келажагига бефарқ эмасликларини ва шунинг баробарида мамлакатимизда қонунлар устуворлиги таъминланаётганини кўрсатади.

**Қодиржон ОДИЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# НАРКОТИКЛАР ИСТЕЪМОЛИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Марказий Осиё мамлакатлари наркотикларни суиистеъмол қилиш, наркомания иллатига мубтало бўлганлар сонининг ортиб бораётгани, наркоманлар орасида юқумли касалликлар, жумладан ОИВ ва гепатит хасталиги тарқалиши хавфи билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда. Бу борада Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатларнинг наркотикларга эҳтиёжни камайтириш, мониторинг ва реабилитация қилиш соҳасидаги тажрибаси фойдалидир.

"КАДАП" дастури ҳамкорлари дастурнинг аввалги босқичларида эришилган келишувлар ва натижалар асосида наркотикларга эҳтиёжни камайтириш соҳасида ҳамкорликни давом эттириш ниятида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг халқаро бўлими бошлиғи А. Эркабоев Ўзбекистонда "КАДАП" дастурининг аввалги тўрт босқичи муваффақиятли амалга оширилгани, ваколатли вазирлик ва идоралар ўз саъй-ҳаракатларини наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича мақсадли комплекс чора-тадбирларга, гиёҳвандлик иллати тарқалишининг олдини олишга, идоралараро ҳамкорлик ва халқаро алоқаларни ривожлантиришга қаратаётганини таъкидлади. Наркотикларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кенг кўламли профилактика ишлари йўлга қўйилган.

Бу борада тиббий-ижтимоий реабилитация бўлимлари фаолияти ташкил қилиниб, "Ишонч телефон"лари орқали кеча-кундуз маслаҳатлар бериб борилмоқда. Барча жойларда плакат, рисола ва қўлланмалар тарқатилмоқда. "МЕДИССА" лойиҳаси доирасида наркодиспансерлар кутубхона фонди қиймати 6 миллион сўмлик махсус адабиётлар билан тўлдирилди. Наркология хизмати мутахассислари оммавий ахборот воситалари орқали гиёҳвандлик ва наркотиклар билан боғлиқ жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича чиқишлар қилмоқда, маърузалар ўқимоқда, семинарлар ўтказмоқда. Психоактив моддаларни нотиббий мақсадда истеъмол қиладиган, диспансер ва профилактика ҳисобида турадиган шахслар сони сезиларли даражада камайди.

Бу борада халқаро ҳамкорлик фаоллашмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) ҳамда Европа Иттифоқининг халқаро лойиҳаларини мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш ва амалга оширишга доир ишлар таъминланмоқда. Хусусан, "КАДАП-4" дастури лойиҳалари доирасида махсус бўлинмалар ташкил қилинди, назорат-ўтиш постлари махсус аппаратура ва техника воситалари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Суд-тиббиёт экспертизалари бош бюроси замонавий, ўта аниқ ишлайдиган диагностика ускуналари билан жиҳозланди.

Тадбирда наркотиклар бўйича ахборот тизимлари, наркоманияни даволаш тизимлари, профилактика ва ахборот миллий стратегиялар учун наркотиклар тарқалишининг олдини олиш борасида муҳим омилга айланиши зарурлиги қайд этилди.

Ахборот тармоғи маълумотлар оқимининг узлуксиз, самарали ва барқарор тизимини яратиш, наркотиклар билан боғлиқ вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилишни кўзда тутади. Ахборот ресурслари тармоғи наркоманиянинг олдини олиш, даволаш ва тартибга солиш соҳасига жалб қилинган давлат органлари (масалан, шифохоналар, мактаблар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари) ҳамда наркотиклар муаммоси билан шуғулланадиган нодавлат ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилиши даркор. Миллий ҳукуматлар турли ахборот манбаларининг мавжуд махсус марказларда қайта ишланадиган ахборотидан бевосита фойдаланувчилар ҳисобланади. Ҳукуматлар ушбу ахборотдан мазкур соҳада стратегияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, ресурсларни самарали тақсимлаш босқичларини баҳолаш учун фойдаланиши керак.

Наркомания иллатига мубтало бўлиш сурункали касаллик бўлиб, жамиятга жиддий таъсир кўрсатади. Уни даволаш наркотиклар ва саломатликка оид сиёсатнинг самарали ва зарур стратегияси ҳисобланади. Даволаш тиббий, психологик, психотерапевтик, шунингдек, ижтимоий ёрдамга асосланиши, шифохоналар, реабилитация ва маслаҳат марказларидаги юқори малакали тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилиши даркор. Наркоманларнинг даволаниш имкониятини ошириш учун зарур ресурслар билан таъминлаш муваффақиятли даволашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Наркотиклар, наркомания ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ муаммолар тўғрисидаги ижтимоий ахборотни тарқатиш бу борадаги умумий стратегиянинг муҳим омилидир. Наркотикларни истеъмол қиладиган шахслар келажакда наркотикларсиз ҳаёт кечириши учун тиббий даволаш ва реабилитация хизматлари фаолиятидан хабардор бўлиши керак. Ахборот ва профилактика кампаниялари алоҳида мақсадли гуруҳларга қаратилиши даркор.

"КАДАП" дастурининг барча иштирокчилари муайян миллий шароитларда дастурнинг уч соҳасига оид минтақавий ва халқаро маълумотларни ўзаро алмашиш наркотикларга доир самарали, оқилона ҳамда барқарор стратегияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг муҳим жиҳати эканини эътироф этдилар. Ушбу жиҳатлар, ўз навбатида, чуқур ўрганиб чиқилиши ҳамда мустаҳкамланиши зарур.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЯНГИ ЎҚУВ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Марказга, энг аввало, вақтинча ишсиз хотин-қизлар ва кам таъминланган оилалар вакилларини жалб этишга эътибор қаратилаяпти. Бундан кўзланган мақсад уларда бичиш-тикиш ва бизнес бошқарувида амалий кўникма ҳосил қилиш, пировардида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни йўлга қўйишга кўмаклашишдир.

Лойиҳа маслаҳатчиси О. Сатторовнинг айтишича, бу ерда ўқитиш замонавий техникалар ёрдамида янгича услубда олиб борилади. Бу курс давомида хотин-қизлар ўзлари қизиққан техникадан фойдаланишни тўлиқ ўзлаштириб олиш имконига эгалар. Энг муҳими, ўқув сўнгида мазкур тикув машиналари уларнинг ўзларига топширилади.

Тадбир иштирокчилари нафақат ўқув марказида яратилган шу каби шарт-шароитлар, балки замонавий тикиш ва тўқиш машиналари, янги дастурий маҳсулотлар билан яқиндан танишдилар. Айниқса, компьютер ёрдамида ўлчам олиш ва андоза тайёрлаш бўйича "My Label" дастури уларда катта қизиқиш уйғотди.

Бундай ўқув марказлари республикамизнинг барча вилоятларида очилиши мўлжалланган бўлиб, уларнинг дастлабкилари тез орада Андижон ва Сурхондарё вилоятларида иш бошлайди.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САНОАТ РИВОЖИ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ



**СУРАТДА:** корхона ҳаётидан лавҳа.

(Давоми. Боши 1-бетда).

масъулияти чекланган жамияти ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

"Фарғона сунъий чарм заводи" акциядорлик жамияти негизида "Алоқабанк" томонидан ташкил этилган мазкур жамиятга 1 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди. Айни пайтда корхонанинг сифатли, бежирим ва пишиқ маҳсулотлари харидорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ерда 70 нафар йигит-қиз кунига ўртача 300 жуфт пойабзал тайёрламоқда.

— Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш — давр талаби, — дейди жамият директори Шаҳобиддин Камолов. — Маҳсулотларимиз 50 дан ортиқ замонавий дизайн асосида табиий теридан тикилмоқда. Йил охирига қадар экспортни йўлга қўйиш ниятидамиз.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

Изланиш

***Косонсой туманидаги "Баркас текс" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш барқарор ўсишни таъминламоқда. Бунинг натижасида корхонанинг экспорт салоҳияти ҳам ошиб бораётир.***

# «БАРКАС ТЕКС»НИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

Момиқ сочиқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона жамоаси жорий йилнинг олти ойида 200 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлади. Эътиборли жиҳати шундаки, унинг асосий қисми ташқи бозорга чиқарилди. Ёки шу муддат ичида 73 минг АҚШ долларига тенг экспорт амалиётлари бажарилди. Бу, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоиз кўп демакдир.

Тумандаги саноат корхоналарининг аксариятида муттасил ўсишга эришилмоқда. Жумладан, йил бошидан буён 6,5 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Экспорт миқдори эса ўтган йилгидан 40 фоиз кўпайиб, салкам бир миллион долларга етди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭНГ ЯХШИЛАР АНИҚЛАНДИ

***Навоий техника иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази" кўрик танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.***

Икки кун давом этган тадбирда иштирокчилар фаолият юритаётган ахборот-ресурс марказлари хусусида қизиқарли баҳс ва мунозаралар олиб бордилар.

Қизғин ва мароқли ўтган баҳслар натижасига кўра, олий ўрин Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейга берилди.

Навоий техника-иқтисодиёт коллежидаги АРМга биринчи ўрин насиб этди. Қарши қишлоқ хўжалик коллежи ахборот ресурс марказига иккинчи ўрин, Нукус давлат педагогика институти қошидаги 2-лицейнинг АРМ маркази учинчи ўринни қўлга киритди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ДАРЁ ТЎЛИБ СУВ КЕЛДИ...

## (Амударё соҳили манзаралари)

(Давоми. Боши 1-бетда).

Азим дарёнинг у юзига ўтиш ниятида "Матиз"ни кўприк сари бурдим. Ёдимда, шу йил баҳорда икки метрча қуйига эниб, аранг кўприкка тушган, паст-баланд понтонлардан зўрға у соҳилга ўтган эдим, энди бўлса, кўприкка чиқиб олиш учун шунча баландликка кўтарилиш керак...

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларидан буён нима ёзган-чизган бўлсам, Орол муаммолари билан бевосита боғлиқ. Денгиз фожиаси, унинг кўлами, илдизлари ва оқибатлари ҳақида ўттиздан ошиқ ҳужжатли фильм қилдим. Денгиз бўйи аҳли тансиҳатлиги учун қилинган эзгу ишларни кўрсатишга уриндим. Кўплар бу одам нега денгиз билан банд бўлиб кетди, деб ҳайрон чиқар. Шундай қилмаса, бўлмайди. Биз бу фожиага соғлом кўз билан қараб, ундан хулоса чиқариб олмасак, ҳаётимизни тўғри ташкил этиш қийин. Нимага десангиз, Аму ҳам, Сир ҳам чегара билмас дарё бўлиб, ундан олтита мамлакат сув ичади. Демак, ҳамма бирдек сувни тежаб-терғаши, ундан оқилона фойдаланиши лозим. Шундай қилмаса, бизнинг қуйиб-пишганимиз унча самара бермайди. Ва бутун оғирлик халқимиз зиммасига тушади. Карвонда ҳам охирги туянинг юки оғир бўлади.

Ҳозир ҳеч кимга сир эмас, табиатга оқилона муносабат, сувни тежаб ишлатиш, айниқса, тоза ичимлик сувини қадрлаш бутун ер юзида ҳаёт-мамот масаласига айланган.

Мана шундай кайфиятдаги одам Яратганнинг марҳамати билан азим дарё тўлиб-тошиб оқаётганини кўриб, қандай севинишини тасаввур этиш қийин эмас. Ўзи, табиат халқимизнинг буюклигига бир белги бўлсин деб яратган, бу муаззам дарёни!

Мен болаларга азал-азалдан ота-боболаримиз ёзнинг энг узун куни Сув сайли, Сув хотин маросими ўтказганини, ҳосилимиз мўл бўлсин, деб одамлар бир-бирига сув сепганини айтиб бердим. Абу Райҳон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" китобида ёзишича, бундай кунларда аҳоли тонг саҳарда оқар дарё бўйига бориб, йил баракали келсин, балою офат даф бўлсин, деган ниятда ўз устидан сув қуйган. Ҳатто Жайхун сувига чўмилиш байрами ўтказилган...

Шу вақт тўнғич неварам Сулаймон:

— Ота, — деб қолди. — Сиз нега доим "дарёда сув йўқ" дейсиз? Ана, у тўлиб оқаяпти-ку?!

— Энди, болам, Бердақ айтган, "Шоир эдим, кўзим кўрганини ёздим", деб. Мен ҳам борини айтганман. Мана, Аму тўлиб-тошибди. Буниям кўрдик, Худога шукр! Энди "дарё тўлиб оқаяпти" дейман...

Муаззам дарё соҳили аллақачон болалар сайилгоҳига айланган, кимдир музқаймоқ ейди, кимдир Қипчоқ балиқ қовурдоғини тановул қилади, бир дунё бола оппоқ кемаларда дарё бўйлаб сайр этади. Мен ҳам невараларни оқ кемада Амударё узра сафарга кузатдим, кейин ўзим енгил тин олиб, қирғоқда ўтирганча борлиққа назар солдим.

Ана, Чилпиқ, у ўзига ном топиб берган тўлқинлар мавжидан, уларнинг соҳилга урилиб, "чилп-чилп" дея чиқарган сасидан ором олади. Тўлқин ҳар урилганида, қумлоқ соҳил нураб тутдай тўкилади. Дарё узра чағалайлар чарх уради, аҳён-аҳёнда улар шиддат билан қуйига эниб, сувга тумшуқ уради-да, яна ҳавога ўрлайди.

Кўпдан унут бўлган жондош манзара. У юракни орзиқтиради. Мен биламан, Орол фожиаси бир кунда рўй берган эмас.

Шукрким, мустақилликдан сўнг Оролбўйи аҳолиси, айниқса, оналар ва болалар саломатлиги борасида беқиёс ишлар қилинди. Мисол учун айтиш мумкинки, Нукусда ташкил этилган Скринининг маркази тараққий топган ҳар қандай давлатдаги шундай муассасадан асло қолишмайди. Унда малакали шифокорлар аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиб келади. Нукусдаги марказий туғуруқхона ҳам, уч юз ўринга мўлжалланган маслаҳат поликлиникаси ҳам, оналик ва болаликни муҳофаза этиш Маркази ҳам аллақачон одамлар меҳрини қозонган. Нимага десангиз, улар ЮНИСЕФ, Чегара билмас шифокорлар, ЦАРАК каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга, оналар ва болалар саломатлиги борасида кўпдан-кўп хайрли ишлар қилмоқда. Ва бундан ҳар бир хонадон баҳраманд бўлмоқда.

Нукусдаги Тиббиёт шаҳарчасини айтмайсизми?! Унга туташ майдонда улуғвор Она ҳайкали. У сиз билан бизни дунёга келтирган, оқ ювиб-оқ тараган зотга ҳурмат ва эҳтиром тимсолидир...



Арслон КАННАЗАРОВ олган сурат.

Орол бўйида яшил ҳудуд яратиш борасида ҳам кўламли ишлар қилинди. Сувчучук ва Жилтирбош кўллар тизими яратилгани дельта флораси ва фаунаси юзага келишига, ҳатто балиқ кўпайтиришга имкон туғдирди. Мўйноқ ва Рибачьеда дамбалар, дарёлараро сув омбори қилинди. Сунъий ўрмонлар, саксовулзорлар яратилди. Чимбой, Қозоқдарё ва Қораўзакда саксовул ва бошқа бутали ўсимликлар кўчатини етиштирувчи хўжаликлар вужудга келди. Табиатнинг инъомини қарангки, денгизнинг кўпгина қуриган ҳудуди табиий униб-ўсган буталар, шўрга чидамли минг хил гиёҳлар ва юлғунлар билан қопланди. Бугун бу тўқайларда қирғовуллар учиб-қўниб юрибди. Ўрмонзорлар орасида эса ғалла етиштириш, қўй ва ўрдак боқиш йўлга қўйилмоқда...

Булар ҳаммаси яхши, аммо ҳаёт шуни кўрсатдики, табиатга оқилона муносабатда бўлиб, Ватаннинг ҳар бир гиёҳини кўз қорачиғидек асраш, айниқса, тириклик манбаи бўлган сувни қадрлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ўғил-қизларимизга шундай тарбия берсак, ҳеч вақт кам бўлмаймиз...

Ҳозир Сирдарёнинг эски ўзанлари орқали етиб келган сув Амударё билан туташди. Халқ ичида икки дарё қўшилса, денгиз яна сувга тўлади, деган гап юради. Шундай кун келди. Икки дарё суви барча кўлларни тўлдирди, бир вақтлар бўлгани каби, Мўйноқ қалъаси яна ярим оролга айланди. Балиқчилар яна балиқ овлашга киришди. Дарё эса, юз чақирим нарига қочган денгизга бориб қуйила бошлади.

Аввалига биз "бу — ўткинчи ҳол", деб қарадик. Мана, энди кўзимиз ўрганди. Бу — табиий жараён, борлиқ, ҳақиқат эканини ҳис этдик..

**Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,**
**Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.**

# ДАРОМАД МАНБАИ

***Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Дарҳақиқат, "Чорваси бор уйнинг баракаси бор", деб бежиз айтилмаган. Бугун жойларда бўлган киши бу нақлнинг қанчалик тўғри эканлигига яна бир карра амин бўлади. Жумладан, Урганч туманида ўтган йили ўнлаб фермерлар, тадбиркорлар, оилалар чорвачиликни кенг йўлга қўйиб, аҳолини, қолаверса, оиласини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашга киришганлари эвазига ҳозирда тумандаги жами қорамоллар сони 89 минг 340 бошни ташкил этмоқда. Бошқача айтганда, кейинги бир йилда қорамоллар сони қарийб 8 минг бошга кўпайди. Гўшт етиштириш ҳажми 9969 тоннага, сут 69784 тоннага етказилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса туманда 2407 тонна гўшт, 14794 тонна сут тайёрланди. Бу кўрсаткичлар олдинги йиллардагига нисбатан анча кўпдир.

Бундан ташқари, туманда 42 минг бошга яқин қўй-эчки боқилаётир. Чоткўпир қишлоғидаги "Зот-Элита" фермер хўжалигини гўёки, чорвачилик комплекси, дейсиз. Гап шундаки, ҳозирги кунда бу ерда 187 бош зотдор соғин сигир ва бўрдоқи парваришланмоқда. Фермер Гулчеҳра Авазниёзованинг саъй-ҳаракати билан Украинадан 30 бош зотдор қорамол сотиб олинди. Натижада шу йилнинг биринчи чорагида 18 тонна сут, 20 тонна гўшт тайёрланди. Фермер хўжалиги қошида яқинда колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

**Қарор ва ижро**

— Чорвадорларга берилаётган имтиёзлар, яратилган шарт-шароитлардан фойдаланиб, шу ишга қўл урганмиз, — дейди тумандаги "Чорвадор" фермер хўжалиги раҳбари Бекберган Бобожонов. — Кейинги тўрт-беш йилда қорамолларимиз сонини 180 бошга етказдик. Уларнинг барчаси зотдор. Ҳар йили 15-16 та буқани бўрдоқига боқаяпмиз. Фермер хўжалигимиз наслчиликка ихтисослашгани ўз самарасини бераяпти-да.

Туман тадбиркорларининг бундай хайрли ҳаракатлари туфайли қишлоқ аҳолиси чорвачиликка бўлакча меҳр билан қарамоқда. Ҳар бир хонадонда чорва моллари боқилаётгани шундан далолат беради.

"Чондирқиёт" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Улуғбек Матниёзовнинг айтишича, бу оилалар рўзғорига барака киритишда муҳим омил бўлмоқда.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун зооветеринария хизмати кўрсатиш самарадорлигини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда вилоятда 172 та ана шундай шохобча ва пункт ишлаб турибди.

Аҳоли чорвасини ем-хашак билан таъминлаш, озуқабоп экинлар етиштириш учун ер ажратиш масаласи ҳам доимо эътиборда. Масалан, вилоят "Чорва озуқаси" бош бирлашмасининг 106 та шохобчаси ташкил этилган бўлиб, уларда омихта ем, шрот, шелуха савдоси йўлга қўйилган. Йил охиригача қишлоқларда яна 5 та омихта ем сотиш шохобчасини очиш мўлжалланяпти.

Вилоятда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликнинг кенг йўлга қўйилиши аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш билан бирга, уларнинг бандлик даражасини оширишга ҳам кўмаклашмоқда, даромад манбаини кўпайтирмоқда. Ўтган йили вилоятда чорвачилик билан машғул бўлган 7 минг 517 нафар, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 2 минг 478 нафар кишига меҳнат дафтарчаси очилгани кишиларни ижтимоий ҳимоялаш имкониятини кенгайтирди.

Кўриниб турибдики, чорвачиликни ривожлантириш халқимиз дастурхони тўкин, турмуши фаровон бўлишига хизмат қилмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилаяпти. Ёшларнинг малакали кадрлар бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилмоқда. Улар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, йигит-қизларнинг муносиб турмуш кечиришлари учун қулайликлар яратиш давлатимиз эътиборида.***

# ЁШЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ

Бу жараёндан марказимиз жамоаси ҳам четда қолгани йўқ. Чунончи, турли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳозиргача тўрт марта бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ҳамда икки марта касб ярмаркаси ўтказилди.

Тадбир давомида 995 нафар коллеж битирувчиси ва корхоналар томонидан уч томонлама шартномалар имзоланди. Давлатимиз, жамоатчилик томонидан коллеж битирувчиларига кўрсатилаётган эътиборни кўриб, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончлари янада мустаҳкамланади.

**Бандлик**

Марказимиз эшиги барча учун доимо очиқ. Шу ўринда бир-икки мисол. Фуқаро Дилфуза Амонова тикувчиликка қизиқишини, мабодо иш топилса, шу йўналишда ишлаш нияти борлигини билдириб бизга мурожаат қилди. Ходимларимиз унга ёрдам қўлини чўзишди. Д. Амонова ҳозир "Вобкент Нафосат" масъулияти чекланган жамиятида ишлаяпти. Ўз севган касби — тикувчилик билан шуғулланаётганидан мамнун. Пайвандловчи Шойим Рўзиев эса "Вобкентёғ" масъулияти чекланган жамиятида касаначи сифатида ишга жойлашди. Дарвоқе, туманимизда касаначиликни ривожлантириш эвазига 21 та корхонада 110 та иш ўрни яратилди. Биргина меҳнат ярмаркалари шарофати билан 416 нафар фуқаро ишли бўлди. Катта-кичик корхоналар билан яқин ҳамкорликда ишлаётганимиз яхши натижа бераяпти. Дейлик, "Янгикент" Заминобод тайёрлов савдо" масъулияти чекланган жамиятида банк кредити эвазига консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Биз уларга бу борада муайян тажрибага эга ишчиларни тавсия этдик.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафидан захирага бўшатилган йигитларни ишга жойлаштириш масаласи ҳам эътиборда. Уларнинг 148 нафарига ўзига мос иш топишда яқиндан ёрдамлашдик. Ишсиз, қўлида ҳунари бўлмаган ёшлар эса касбга тайёрлаш курсларида ўқитилиб, ишга жойлаштирилмоқда. Умуман, жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида марказимизга 1068 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилди. Уларнинг 967 нафари ишли бўлди. Қолганларига ҳуқуқий тушунчалар берилди, бир қисми эса касбга тайёрлаш курсларида сабоқ олаяпти.

Бандлик дастурига мувофиқ, жорий йилда туманда жами 5228 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Ўтган беш ойда 2300 та иш ўрни барпо этилди. Бу эса кўзда тутилганидан 53 тага кўпдир.

**А. ҲАСАНОВ,**
**Вобкент тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори.**

# ЎЗАРО ИШОНЧ МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

*Иқтисодиёт соҳасидаги ислоҳотлар изчиллиги, хусусан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, унга замонавий технологияларни жорий этишда хўжалик юритувчи субъектларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган банкларнинг ҳиссаси тобора ортиб бораётир. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Наманган вилояти бўлими мижозларининг аксарияти ҳам ўз бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқаришда ана шу имкониятдан оқилона фойдаланмоқдалар.*

Вилоят марказидаги "Мехмаш" очиқ акциядорлик жамиятида импорт ўрнини босувчи пўлат қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш юзасидан тайёрланган лойиҳа айни мазкур молиявий муассаса кўмаги билан ижросини топди. Бунда, табиийки, хориждан келтирилиши мўлжалланган технологик линия учун зарур бўлган салкам бир миллион АҚШ долларига тенг кредит маблағининг тезкорлик билан ажратиб берилганлиги асқотди. Жорий йилнинг февралидан ҳаракатга келтирилган янги қувватлар ёрдамида жаҳон андозаларига мос пўлат қувурлар тайёрланиб, буюртмачиларга пешма-пеш жўнатилмоқда. Лойиҳа рўёби бу ерда қўшимча равишда 30 та иш ўрни яратиш имкониятини ҳам юзага келтирди. Бизнес лойиҳага кўра, конвейердан йилига 12240 тонна халқ хўжалиги учун зарур бўлган рақобатбардош маҳсулот чиқади. Айтиш керакки, қувватлар тезкорлик билан ўзлаштирилиши натижасида ўтган қисқа вақт ичида 664 тонна пўлат қувурлар тайёрлашга муваффақ бўлинди.

Банк сармояси транспортёр ленталари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни мўлжаллаган "Наманган резина пласт" шўъба корхонасининг бизнес режалари ижросига ҳам қанот бағишлади. Бу ерда 340 минг АҚШ доллари миқдорида ажратилган кредит ҳисобига Хитой давлатидан сотиб олинган технологик линия яқин кунларда ишга тушади.

— Хўжалик юритувчи субъектлар барқарор ишлашида муҳим омил бўлаётган бу сингари мисолларни

**Молия муассасаларида**

кўплаб келтириш мумкин, — дейди банк вилоят бўлими бошқарувчисининг ўринбосари Муҳиддин Ортиқов. — Таклиф беринг, уни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш биздан, деймиз доимо мижозларимизга. Бу қуруқ гап эмас. Таклиф этилаётган ҳар бир лойиҳани диққат билан ўрганиб, истиқболли деб топилганларини тезкорлик билан ҳаракатга келтириш анъанага айланган. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасининг ўзига 4811,8 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Мижозларимиз унинг катта қисмини минитехнология ва ихчам ускуналар сотиб олишга сарфлашди. Бунинг натижасида яратилган янги иш ўринлари сони 118 тани ташкил этди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда иқтисодиёт устунига айланган кичик бизнес соҳиблари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини йўлга қўйиш ҳамда кенгайтиришда банк кўмагига таяниб тўғри қилишяпти. Масалан, Тўрақўрғон туманининг Сайрам қишлоғидаги "Содиқов Абдуқаҳҳор" хусусий корхонаси 50 миллион сўм кредит эвазига катта иссиқхона қурди. Ҳамқишлоқларидан беш нафарини ишга олиб, қишнинг аёзли кунларида эл дастурхонига 28,5 миллион сўмлик помидор ва бодринг етказиб берди. Чустлик тадбиркор Дилбар Ҳамидовага эса меҳмонхона хизматини йўлга қўйишда молиявий муассасанинг 50 миллион сўм кредити қўл келди. Кўпчилик ишлаб чиқарувчилар хом ашё ва материаллар сотиб олишда банк сармоясидан кенг фойдаланишяпти. Жумладан, Наманган туманидаги "Альфа" масъулияти чекланган жамияти 750 миллион сўм кредит расмийлаштириб, хўжалик совуни тайёрлаш билан шуғуллана бошлади.

Ўзаро ишонч, хизмат даражасининг юқорилиги молиявий муассаса ва мижозлар муносабатларини мустаҳкамламоқда. Буни, масалан, бўлим ва унинг филиаллари хизматидан фойдаланаётган субъектлар сони кейинги беш ой давомида 1530 тага кўпайиб, 15423 тага етганида ҳам кўриш мумкин. Бу қувонарли натижа. Зеро, "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" шиорига қатъий амал қилган молиявий муассасанинг нуфузи муттасил ортиб бориши табиий.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.** t

# Глобал молиялаштиришга бағишланди

***Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Глобал экологик фонди билан ҳамкорликда атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.***

**Экология**

"Рио Конвенциясининг бажарилиши бўйича мақсадли институционал кучайтириш ва маҳоратни ривожлантириш орқали миллий салоҳиятни мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида ўтказилган ушбу глобал молиялаштиришни амалга ошириш борасида сўз юритилди. Шунингдек, иштирокчилар Рио Конвенциясининг мақсад ва вазифалари, уни амалга ошириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар кўлами, миллий ва глобал экологик устувор йўналишларга масъул жамғармалар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

**Ф. САЛОҲИДДИНОВ.**




ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60,40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

ЙИҒМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

КАРБИД — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Сиз учун диққатга лойиқ «Мўъжиза» омонатини таклиф этади.

Омонатга маблағлар банкнинг барча муассасалари томонидан 6 ой муддатга йиллик 16% миқдорида даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Шу билан бирга, омонатдаги маблағлар белгиланган муддат давомида сақлангандан сўнг, омонат қолдиғига 4% бонус тариқасида қўшимча даромад тўланади.

ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Қўшимча маълумотларни (+99871) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.


## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Динозавр излари

***Япониялик олимлар тошга айланган қадимий мавжудот қолдиқларини ўрганиш ишларини ниҳоясига етказишди.***



Текширишлар якунида бу излар динозаврларга тегишли экани маълум бўлди. Мутахассислар бундай улкан жониворлар мамлакат ҳудудида тахминан 85 миллион йил аввал яшаганлигини таъкидлашмоқда.

### Йўлдаги нохушлик

***Хитой марказида бахтсиз ҳодиса содир бўлди.***

"Синьхуа" ахборот агентлиги хабарига қараганда, Уси шаҳрида маҳаллий металлургия компанияларидан бирига тегишли автобус ёниб кетган. Оқибатда 24 киши ҳалок бўлган, 19 нафари тан жароҳати олган. Ҳозирча фалокат сабаблари маълум эмас.

### Башорат ҳозирча оқланмади

***Ўтган ҳафтада нефть нархининг кескин пасайиши кузатилганди.***



Бу эса соҳада фаолият кўрсатаётган компанияларнинг хавотирига сабаб бўлганди. Чунки баъзи экспертлар жорий ҳафтада "қора олтин" баҳоси яна тушишини тахмин қилишаётган эди. Аммо бу башоратлар ҳозирча ўзини оқламади. Душанба куни бўлиб ўтган савдолар чоғида "WTI" типидаги нефтнинг бир баррели 0,51 АҚШ долларига қимматлашган ва 72,51 АҚШ долларидан сотилган. "Brent" тамғали "қора олтин" эса 72,03 АҚШ долларидан баҳоланган.

### Кубок ичидаги оғу

***Испанияда мамлакат ҳудудига олиб кирилаётган катта миқдордаги гиёҳванд моддалар ушлаб қолинди.***



Хабарларда келтирилишича, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари 2,5 тонна кокаин олиб кетаётган кемани Тенерифе дарёси қирғоғида қўлга олганлар.

Худди шундай воқеа Колумбияда ҳам кузатилди. Пойтахт аэропорти божхоначиларида футбол бўйича жаҳон чемпиони бўлган жамоага топшириладиган олтин кубок нусхаси шубҳа уйғотади. Ясама кубок текшириб кўрилганда, унинг ичига 11 килограмм миқдорида кокаин яширилгани маълум бўлди.

### «Прогресс» чўктирилади

***Ер атрофида бир ярим ой давомида илмий текширишлар олиб борган Россиянинг "Прогресс" фазо кемаси Тинч океанига чўктириб юбориладиган бўлди.***

У жорий йилнинг 10 май куни халқаро фазо станциясидан муваффақиятли ажралганди. Бундан олдин эса "Прогресс"га бир тоннадан ортиқ чиқиндилар ва ишлатиб бўлинган жиҳозлар юкланган.

Ҳозир бошқа бир "Прогресс" кемаси фазога учирилган бўлиб, унга озиқ-овқат, сув, ускуналар ва космонавтларнинг оилалари берган совғалар ортилган.

### Алоқа узилиб қолди

***Қизил денгизда қароқчилар "Мотиватор" номли юк кемасига ҳужум уюштиришган.***

Бу ҳақда Европа Иттифоқи денгиз кучлари матбуот хизмати хабар тарқатди. Маршалл ороли давлати байроғи остида ҳаракат қилаётган мазкур кеманинг экипаж аъзолари Филиппин мамлакати фуқаролари эканлиги айтилмоқда. Улар ўн саккиз нафар бўлган. Ҳарбийларнинг сўзларига кўра, "Мотиватор"га дастлаб қуроллардан ўқ узилган. Кейин эса алоқа тўхтаб қолган. Шу боис кема гаровга олинган бўлиши мумкин, деб ҳисобланмоқда.

### Сув остидаги тўқнашув

***Ҳиндистонда мамлакат қуролли кучларига тегишли иккита сув ости кемаси тўқнашиб кетди, дейилади "Рейтер" ахборот агентлиги хабарида.***

Воқеа Мумбай портида содир бўлган. Буни мамлакат ҳарбий денгиз кучлари вакили ҳам тасдиқлаб ўтган. Талафотлар ҳақида маълумотлар йўқ. Тўқнашувга кемалардан бирида юзага келган техник носозлик сабаб бўлган.



***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

# ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР, КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

***Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтаётган футбол бўйича XIX жаҳон чемпионати якунловчи марра сари яқинлашмоқда. Чорак финал учрашувлари ортда қолиб, навбат ярим финалга етиб келди.***

**Бугун биринчи финалчи аниқланади.**

Қувонарли томони, мундиалда ҳозиргача тўрт ўйин (ЖАР — Мексика, Англия — Жазоир, Аргентина — Греция, Германия — Аргентина)ни бекаму кўст, юқори савияда бошқарган ҳамюртимиз Равшан Эрматов ҳакамлар рейтингида етакчи ўринларда бормоқда. Ўзбекистонлик барча футбол мухлислари ватандошимизнинг финал баҳсини бошқаришидан ҳам умидвордир. Чунки ҳозирда якуний учрашувни ўтказиши мумкин бўлган реферилар қаторида айнан Р. Эрматовнинг имконияти юқори баҳоланаётир. Дарвоқе, шунга ўхшаш ҳолат 2006 йилги дунё биринчилигида ҳам кузатилганди. Ўшанда аргентиналик ҳакам Урасио Элисондо ЖЧнинг биринчи ва сўнгги учрашувида яшил майдондаги холисликни таъминлаган эди.

Энди бизга ҳаяжонли онларни тақдим этган чорак финал беллашувларига тўхталсак. Ушбу босқич кутилмаган натижалар, ҳаяжонли лаҳзалар билан узоқ вақтгача ёдимизда қоладиган бўлди. Ярим финал йўлланмаси учун Бразилия — Голландия, Уругвай — Гана, Аргентина — Германия, Парагвай — Испания термалари ўзаро баҳс олиб борди. Дарвоқе, мана шу пайтга келиб жаҳон оммавий ахборот воситалари вувузелаларнинг қулоқни қоматга келтирувчи овозию айрим ҳакамларнинг оддий вазиятлардаги хатолари ҳақида эмас, балки чарм тўп усталарининг "кароматлари" тўғрисида гапиришга ўтди.

Кўпчилик яхши эслайди, 1986 йили Мексикада ташкиллаштирилган жаҳон чемпионатида аргентиналик футболчи Диего Марадона инглизлар дарвозасига қўли билан гол урган, орадан анча вақт ўтгандан кейин эса "Бу менинг қўлим эмас, Худонинг қўли", деган эди. Бу галги мундиалда уругвайлик ҳужумчи Суарес Ганага қарши кечган драматик баҳсда шунга ўхшаш вазият қаҳрамонига айланди. Яъни ўз амплуасига мос бўлмаган тарзда 120-дақиқада дарвозага кириши муқаррар тўпни очиқдан-очиқ қўли билан қайтариб қолди. Ўша заҳоти майдондан четлатилди. Буни қарангки, Африка қитъаси термаси вакили Асамоа Гиян белгиланган пенальтини кўкка совуриб, бир оёғи билан ярим финалда турган жамоасини руҳий жиҳатдан анча қийин аҳволга солиб қўйди. Шундай қилиб, футбол тарихида камдан-кам учрайдиган ҳолат кузатилди. Яъни уругвайлик ҳужумчи-"дарвозабон" қизил карточка олиб бўлсада, ўз термасини муқаррар мағлубиятдан сақлаб қолди, жазони катта қувонч билан нишонлади. Пенальтилар сериясида ҳам омад ўзлари томонида эканлигига ишонган Жанубий америкаликлар тўпни дарвоза тўрига деярли бехато йўлладилар. Ганаликлар эса, аксинча. Хуллас, Форланнинг сардорларга хос ҳаракатлари, Суареснинг қўли, ўн бир метрлик жарима зарбаларидаги аниқлик КОНМЕБОЛ вакилларини финал остонасига олиб чиқди.

ЖАРдаги ЖЧга мураббий сифатида ташриф буюрган Марадона бу сафар бир пайтлари катта омад келтирган қўллари билан узун сочларини чангаллашдан бошқа чора тополмади. Сабаби унинг термаси фантастик ўйин намойиш этаётган Германияга деярли қаршиликсиз таслим бўлди. "Немис машинаси" рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмай, аслида бундай жуфтликларга ярашмайдиган ҳисоб билан аргентиналик мухлисларнинг умидларини пучга чиқарди — 4:0.

Ана шундай бурилишлардан бири беш карра жаҳон чемпионлари Бразилия иштирокида кузатилди. "Пентакампеонлар" қаторасига иккинчи марта финалга чиқиш имкониятидан мосуво бўлдилар. "Учар голландлар" томонидан намойиш этилган тезкорлик "сариқ девлар"ни мағлубият кўчасига етаклаб кирди. Европаликларнинг икки голига америкаликлар бир мартагина жавоб қайтара олдилар, холос. Мозий юлдузи сифатида танилган Дунга ҳам кимлар учундир муддатидан олдин, бошқалар учун ўз вақтида Амазонка соҳилларига қайтиб кетадиган бўлди.

Чорак финалнинг сўнгги тўқнашуви саналмиш Испания ва Парагвай термалари ўртасидаги ўйинда ҳар икки жамоа фойдасига бир мартадан белгиланган пенальтилар ҳам голсиз якунлангани, айниқса, қизиқ бўлди. Аввалига ўн бир метрлик имкониятни қўлга киритган парагвайликлар вакили Оскар Кардосо тўп йўллашда дарвозабонни чалғита олмади. У ўз "қилмиши"ни ҳали мулоҳаза қилиб улгурмай, жамоаси томон ҳужум уюштирган испанияликлар пенальти тепиш ҳуқуқига эга бўлишди. Бу ишни ажойиб тарзда уддалаган Хаби Алонсонинг голи дастлаб ҳисобга олинмади. Чунки у тўп тепаётган пайтда ҳамюртлари жарима чизиғини босиб ўтишганди. Ҳакам кўрсатмаси билан такроран амалга оширилган уринишда эса Алонсо Кардосонинг ҳолатига тушиб қолди. Албатта, бу вазиятларда кимдир Парагвай учун, кимдир Испания учун ачинди. Лекин нима бўлганда ҳам, мундиаль мана шундай қизиқ воқеалари билан эсда қолиш керак эди-да. Баҳс якуни яқинлашгани сайин пиренейликлар ҳужумга зўр бердилар. Ана шундай хавфли вазиятлардан бирида тўп уч марта дарвоза устунига тегиб, голга айланди. Аниқроқ айтганда, "темир посбон"га тегиб қайтган "Жабулани" Давид Вильянинг зарбасидан кейин аввалига ўнг, сўнгра чап устунни бир мартадан "зиёрат" қилиб, якунда дарвоза чизиғини кесиб ўтди.

Бугун ярим финалга старт берилади. Унда дастлаб Голландия Уругвайга қарши майдонга тушса, эртага Германия — Испания терма жамоалари финал масаласини ҳал қилишади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, XIX жаҳон чемпионати тўпурарлари рўйхатини испаниялик Давид Вилья 5 та гол билан бошқариб бормоқда. Кейинги ўринлардан голландиялик Уэсли Снайдер, германиялик Мирослав Клозе ва Томас Мюллер, аргентиналик Гонсало Игуаин ҳамда словакиялик Роберт Виттек жой олган. Уларнинг ҳар бири дарвозаларни тўрт мартадан ишғол қилган.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# ИЖОДИЙ МАҲОРАТ КЎРИГИ

***Ўзбекистон давлат санъат институтида Талаба ёшлар ижодиёти фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда юз нафарга яқин истеъдодли йигит-қиз иштирок этди.***

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

Мана, ўн бир йилдирки, мазкур фестиваль талаба ёшлар орасидан энг иқтидорлиларни кашф этиш, уларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш ва ижодий салоҳиятини ошириш мақсадида ўтказиб келинмоқда. Баркамол авлод йили муносабати ташкил этилган бу галги тадбирда ҳам санъат йўналишида таҳсил олаётган битирувчи талабалар ўн кун давомида ўз ижод маҳсулларини намойиш этдилар.

— Ижодкор ёшларимизнинг янгилик яратишга бўлган иштиёқи, изланувчанлиги ва дадиллигига ҳавас қилса арзийди, — дейди санъатшунос Аҳмаджон Раҳимов. — Уларнинг режиссёр ва видеотасвир устаси сифатида яратган ижодий ишлари ўзига хослиги, янгича топилмаларга бой эканлиги билан диққатни тортади. Қувонарлиси шундаки, ёшларимиз ижоди билан яқиндан танишиш асносида миллий қадриятларга эҳтиром ҳисси, аждодлар ёди билан фахрланиш ва уларнинг бой меросини кенг тарғиб қилишга интилиш кучли эканлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бу, айниқса, ёш сценарийнавислар ижодида янада яққолроқ кўзга ташланади.

Танлов ғолиблари «Йилнинг энг яхши саҳна асари», «Энг яхши фильм», «Энг маҳоратли актёр», «Энг яхши оператор», «Энг яхши режиссёрлик иши» сингари номинациялар бўйича тақдирландилар.

Ўзбекистон давлат санъат институти талабаси, сценарийнавис Лола Ёқубова фестивалда ғолиб деб топилган ана шундай ёшлардан бири. У инсон қалби, унинг ботиний олами ва руҳий кечинмаларини рамзий маънолар воситасида моҳирона ифодалай олганлиги билан эътибор қозонди.

— Бунинг учун драма назарияси, кино тарихи ва санъатшунослик илмидан сабоқ берган устозларимиздан беҳад миннатдормиз, — дейди Лола. — Улар бизга фақат ўқиб-изланиб, ўз устимизда тиним билмай ишлабгина янгидан-янги ғоялар муаллифи бўлишимиз, катта ютуқларга эришишимиз мумкинлигини уқтиришди. Санъат соҳасида ижод қилар эканмиз, ушбу қимматли ўгитларга ҳамиша амал қилишимиз лозим, деб ўйлайман.

Фестивалда иштирок этган Сарвар Каримов, Камола Икромова, Жаҳонгир Иброҳимов, Фахриддин Иминов, Иззатилла Лутфуллаев сингари бир гуруҳ талабалар ҳам муносиб рағбатлантирилдилар. Анжуман доирасида, шунингдек, кино ва театр соҳасида самарали ижод қилиб келаётган устоз санъаткорларнинг маҳорат сабоқлари, ёшлар ўртасида ижодий мунозаралар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

**Муборак ОХУНОВА.**

**Дзюдо бўйича «Катта дубулға» мусобақасида Ришод Собиров олтин, Дилшод Чориев бронза медалга сазовор бўлди.**

# РИШОД — ЯНА ҒОЛИБ!

Москва шаҳрида ташкил этилган Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) мусобақалари тақвимидаги энг нуфузли турнирлардан бирида элликдан зиёд мамлакатдан беш юз нафардан ортиқ спортчи 2012 йил Лондонда (Буюк Британия) бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколари учун куч синашди.

Пекин Олимпиадаси совриндори Ришод Собиров вазни олтмиш килограммгача бўлган дзюдочилар беллашувида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Халқаро дзюдо федерациясининг нуфузли турнирларида ғалабалари салмоғини ошириб бораётган истеъдодли дзюдочимиз Жанубий Кореяда "World Masters" ва Тунисда Гран-при мусобақаларида биттадан олтин, Франция ва Бразилиядаги "Катта дубулға" мусобақаларида биттадан кумуш медални қўлга киритиб, муҳим рейтинг очколарига эга бўлди. Р. Собировнинг Москвадаги ғалабаси учун унга уч юз очко берилди ва ҳамюртимиз жаҳон рейтингида ўз вазн тоифасида биринчи ўринга кўтарилди.

Вазни 90 килограммгача бўлган дзюдочиларнинг жаҳон рейтингида кучли ўнликдан жой олган Дилшод Чориев ҳам Москвадаги турнирда муваффақиятли қатнашди. Моҳир спортчимиз эронлик Ризо Чахандаг, украиналик Валентин Греков ва грециялик Илиас Илиадисни мағлубиятга учратиб, бронза медаль ва 120 рейтинг очкосига эга бўлди.

Жаҳон чемпионати совриндори Д. Чориев жорий мавсумда Франциядаги "Катта дубулға" туркумидаги халқаро турнирда кумуш, Жанубий Корeядаги "World Masters" ҳамда Германиядаги Гран-при мусобақаларида биттадан бронза медалга сазовор бўлган.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## Бадиий гимнастика:

# ҒАМХЎРЛИК САМАРАЛАРИ

***Ёш авлод таълим-тарбиясига эътибор — келажакка эътибор демакдир. Бугун мамлакатимизда фарзандларимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлаш учун яратиб берилаётган шарт-шароитларга ҳавас қилса арзийди.***



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Болалар спортининг изчиллик билан ривожлантириб борилаётгани эса соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилаётир. Шаҳару қишлоқларимизда қад ростлаётган бири-биридан кўркам, мустаҳкам моддий-техник базага эга бўлган таълим муассасалари, спорт мажмуалари, сув ҳавзалари, стадионлар спорт билан ошно тутинаётган ёшлар сони йилдан-йилга ошиб боришига замин яратмоқда.

Бу борада қизлар спортига алоҳида ўрин ажратилгани, шу жумладан, улар орасида бадиий гимнастикани оммалаштириш учун мустаҳкам пойдевор қўйилаётгани эътирофга лойиқ. Хусусан, Жиззах вилоятида ҳам кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти.

— Қулай шарт-шароитлар вилоятимизда спортнинг ушбу турини жадал суръатларда ривожлантириш имконини бермоқда, — дейди Жиззах вилояти гимнастика федерацияси раиси Г. Нормуродова. — Жумладан, кейинги икки йилда шаҳар, туманларда бадиий гимнастика билан шуғулланаётган қизлар сони тўрт баробарга кўпайди. Умуман олганда, Жиззах вилоятида бугунги кунда 27 минг нафар хотин-қиз спортнинг ўндан ортиқ тури билан машғул.

Шу ўринда вилоятнинг барча ҳудудларида фаолияти йўлга қўйилаётган бадиий гимнастика тўгаракларидан аҳамияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Ҳозирда 30 дан ортиқ мактабгача таълим муассасасида 400 нафарга яқин 5-6 ёшли қизалоқлар нафис спорт тури бўйича бошланғич машғулотларда қатнашмоқдалар.

Қолаверса, мураббийларнинг малакасини ошириш мақсадида мутахассислар иштирокида ўқув-семинарлар ўтказиш ҳам анъанага айланган. Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Жиззах шаҳридаги "Матлуба" бадиий гимнастика саройида ташкил этилди. У 103 нафар жиззахлик спорт педагоги учун маҳорат мактаби бўлди. Қолаверса, вилоятлик бадиий гимнастикачиларни республика чемпионатларида илгаридагига нисбатан анча яхши иштирок этаётгани ҳам таҳсинга лойиқ. Бунинг натижасида С. Ҳазратқулова, Н. Раҳматова, Д. Баҳромова, Н. Жўрақулова каби ўндан ортиқ бадиий гимнастикачи қизлар Ўзбекистон очиқ чемпионатида ишончни оқлаб қайтишди. Уларнинг орасида Жиззах шаҳри билан бир қаторда Мирзачўл, Дўстлик, Пахтакор туманларидан етишиб чиққан ёш ва истеъдодли спорт маликалари бор.

Мухтасар қилиб айтганда, вилоятда қизларни нафосат, назокат ва латофатга ундовчи спорт тури янада тараққий топиши учун барча имкониятлар яратиб берилмоқда.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Соғлом турмуш тарғиботи

***Мамлакатимизда ёш оилалар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилаётган "Энг намунали ёш оила" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.***

**Танлов**

"Камолот" ЁИҲ Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Соғлом авлод учун", "Маҳалла" жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўрик-танловда шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 15 та ёш оила бешта шарт асосида ўзаро беллашди.

Танлов якунида Тахиатош шаҳридан Дўсановлар оиласи ғолиб бўлди ва мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЁЗ — ҚУВОНЧ ФАСЛИ

***Ёз фаслининг болажонлар учун гашти бўлакча: таътил. Саёҳат. Тенгдошлари даврасида сўлим оромгоҳларда дам олиш. Қизиқарли спорт мусобақалари. Мароқли учрашувлар...***



Сурхондарё вилоятидаги болалар ҳордиқ чиқазадиган тўққизта оромгоҳга мавсумда 10480 та ўқувчи жалб қилинади. 300 дан ортиқ тарбиячилар, етакчилар, спорт ва мусиқа мутахассислари, кутубхоначилар дам олишнинг мазмунли ўтиши учун хизмат қилмоқда.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Муҳаммаджон Мирзаевнинг айтишича, аксарияти тоғ ҳудудларда жойлашган бу оромгоҳларни мавсумга тайёрлашга ҳар қачонгиданда катта эътибор берилди: йўллар созланди. Ётоқхоналар, спорт майдончалари таъмирланиб, янги ашёлар билан жиҳозланди. Кутубхоналар ўн мингта китоб билан бойитилди.

**Ғамхўрлик**

Бу йил, айниқса, кўп болали ва кам таъминланган оилалар фарзандларини оромгоҳларга кўпроқ тортиш тадбирлари кўрилмоқда. "Сурхондарёавтойўл" акциядорлик жамияти, "Сурхонпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси, вилоят Марказий банк бошқармаси шундай оилалардан 150 болага ҳомийлик кўрсатадиган бўлдилар. Шунингдек, фермер хўжаликларининг ҳам бу хайрли ҳаракатга қўшилгани қувончли. Воҳадаги ҳар икки фермернинг биттаси имкониятига қараб вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси қошида очилган махсус жамғармага маблағ ажратди. Боғдорчилик, мева-сабзавотчилик, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари эса ўзлари етиштирган маҳсулотларни оромгоҳларга бепул ёки арзон нархларда етказиб бермоқда.

— Ўқувчининг оромгоҳимизда кечадиган ҳар бир дақиқаси эътиборимизда бўлмоқда, — дейди "Чашма — Тошпўлатбой" оромгоҳи раҳбари Т. Сатторов. — Болаларнинг завқли дам олиши учун қўшимча имкониятларни муҳайё қилдик. Ёзги таътил уларнинг қалбига олам-олам қувонч улашиши, шубҳасиз.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОБ-ҲАВО (6 июль)



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Абдуваҳоб Мадвалиевга акаси

**Абдуҳафиз МАДВАЛИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Кончилик иши кафедраси доценти

**Нажмитдин УБАЙДУЛЛАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.35 1 2 3 5